

СИЗНИ СОҒИНЯПМАН, УСТОЗ!

Мустақил диёримизда тил ва сузни кадрлаб, ўзбек тили ривожига узининг бетакрор ҳиссасини қўшган, бу йўлда тинимсиз изланган, бутун умрини талабаларни тилни улуглашга, эъзозлашга, унга гард ҳам юктирмай фақат ривожланишига ҳисса қўшган заҳматкаш олим, меҳрибон устоз, кадрли ота – бу менинг устозим, бир суз билан айтганда маънавий отам филология фанлари доктори, профессор Ёрмат Тожиёвдир!

Серкирра ижод соҳиби, моҳир олим, бетакрор педагог, фидойий устозни дам республика конференцияларида, дам талабалар давраида, дам малака ошириш институтлари-ю турли тадбирларда, «Ўзбек тили» дарсликлари тақдимотларида, талабаларнинг очик дарсларида ва ҳатто амалиёт жараёнларида учратганмиз. Тиниб-тинчимас жонқуяр устоз Ёрмат ака Тожиёв турли давраларда юрса-да, доимо бир мақсад сари – ўзбек

тили ва адабиётининг бой имкониятлари, унинг гузал жозибаси, ундан уз урнида фойдаланиш маданияти ҳақида куюнчаклик билан фикр бераётганлигининг гувоҳи бўлганмиз.

Мен устозни 1976 йили Тошкент Давлат Университетининг Филология факультетига ўқишга кириш учун иншо ёзаётган куни таниганман. Домла ёнимга келиб, «Қизим, Ҳамид Олимжонни жуда чиройли таърифлабсан, ўқитувчиликни яхши кўрасанми?», —деб сўрадилар. Мен: «Ҳа, онамдек педагог бўлмокчиман», — дедим. Шунда, «Насиб бўлса мен ҳам дарс бераман, яхши аҳамият бериб ёз»,—дедилар-да, кетдилар. Мен домланинг талаффузидан хайратда қолдим. «Яхши» сўзи билан «аҳамият» сўзини шундай талаффуз қилдиларки, мен иншони бошқатдан ўқиб чиқишимга тўртки бўлди. Мен ҳаяжонданми ёки шошибми бу сўзлардаги «х» ва «ҳ» товушларини алмаштириб ёзган эканман. Шу-шу бўлди-ю, домлага ихлосим ошиб қолди. Мен талаба бўлдим.

2-курсни ўқиб, тугатиш арафасида бизни энг қадрли устозим Омонулла Мадаев билан талабаларни фольклор, диалектология амалиёти муносабати билан Хўжакент қишлоғига олиб борган эдилар. Бизга саводхонлик, имло, тилга ҳурмат, унга ёндашув, тилшунослик, мулоқот маданияти, сўз маъноларини англаш, унга муносабат, саводсизликни бартараф этиш каби жуда кўп масалаларни шунчалик фидойийлик билан ургатар эдиларки, ҳали ҳеч бир тилшуноздан олмаган сабоқларни олар эдик.

Устозларим профессор А. Ҳожирахмедов, Ё. Тожиёв, О. Мадаев, Б. Тухлиёвлардан педагогик маҳоратни оширишда маънавий руҳ олдим, улар менга купинча талабалар билан дўстона муносабатда бўлишни, тилга, адабиётга қизиқиш уйғотиш учун имкон қадар ҳар бир дарсни ноанъанавий тарзда ўтиш учун пухта тайёргарлик қўришни таъкидлашарди, улардаги камтарлик, муомала маданияти, илмга ташналик, изланувчанлик доимо мен учун ибрат мактаби бўлиб келган. Устозим мен учун ишончли инсон эди. Улар шогирдларини булар

- «менинг шогирдларим» дейишни яхши кўрсалар, биз шогирдлар бу киши - «менинг устозим» дея мағрурланиб, бугунги талаба-ўқувчиларимизга фахр билан сузлаймиз.

Устознинг илмга ташналиги устозлардан мерос бўлган бўлса, бизга улардан меросдир...

1996-2011 йилларда ТошДУдан ташқари Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида уриндошлик асосида «Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси» кафедрасида ўн беш йил домлам билан елкама-елка фаолият юритган энг бахтли шогирдлардан бириман.

Домла дарсга кирганда, аудиторияда ўзгача бир жонланиш пайдо бўларди. Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларидан келган ўқитувчилар домланинг дарсини интиқлик билан кутарди. Ҳар бир дарс алоҳида жонли, ҳаётий мисоллар асосида қиёсланиб тушунтирилар эди. Айниқса, ўқитувчиларнинг оғриқ нуктаси «Қўшма гап» мавзусини ўтишда, Омонулла Мадаев билан 35-40 йиллар давомида ҳар йили бориладиган «ўрик гули» сайли ҳақида тулиб-тошиб, илҳомланиб гапириб берар эдилар. Домланинг самимийлиги, беғубор ўхшатишлари ўқитувчиларга жуда катта куч берар ва улар бу хотираларни ўқувчиларига меҳр билан етказарди. Айниқса, узоқ туман ва шаҳарларда ўтказиладиган кўчма курсларимизда ўқитувчиларининг талаби билан она тилида ўқувчиларни таҳлилга ўргатиш муаммоларининг ечимини берар эдиларки, бу ўқитувчиларимизнинг малакаси шаклланишига ва ўқувчиларга чуқурроқ, мукамалроқ билим беришга ундарди. Оғриқ нукталарига малҳам бўлган сабоқларини такрор ва такрор тинглашга ошиқар эдилар.

Айрим вақтларда ўқитувчилардан диктант ёки тест олсалар, хафа бўлиб, инсон ўқитувчилиқнинг нонини ҳалоллаб ейиши керак, нима учун булар шунчалик масъулиятсиз дер эдилар. Ва Ойтожи сен буларни сира буш қўйма, қупроқ ишлат, ўзларини ёзув тахтасига чиқар-да гапларни таҳлил қилдир, матн туздир ва уларни изохлат деб тайинларди. Домла кейинги дарсда

укитувчилардан «Нима ургандингиз, яна нимани урганишни хоҳлайсиз?» – деб сўрарди. «Янги йуналишлар бўйича ўқувчини дарсга жалб қилиш методларидан нималар олдингиз?», – дея сиңчковлик ила суриштирув ўтказарди.

Шу йиллар мобайнида устозларим Ёрмат ака Тожиев ва Омонулла Мадаевлар «нима учун илмий ишингни ташлаб қўйдинг, нега давом эттирмайсан. Ойтожи, сенга бу ер тайёр тажриба мактаби, илмий ишингни бемалол тағбиқ қилсанг-чи, агар ўз билимингни шогирдларга ўргатмасанг ундай илм ҳеч кимга керак эмас», деб қўп бора танбеҳ берган. Мен бундан хулоса қилиб, ўз илмий ишимни давом эттиришга киришдим. Илмий ишимни домламиз Ёрмат Тожиев раҳбарлигида олиб бордим ва 2009 йил номзодлик диссертациямни ёкладим. Мен устозимдан умрбод миннатдорман.

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида кафедра мудири лавозимида ишлаб юрган чоғларимда ТошДУни бирга битирган курсдошларим малака оширишга келганларида домлаларимиз билан ишлаётганимни кўриб жуда ҳаваслари келарди. Ва баъзан биласизми, Ойтожи, «Биз малака оширишга Ёрмат акани, Омонулла акани ва Анвар аканинг дарслари учун келамиз, керак бўлса, муддатидан илгарироқ сўраб келамиз, бизга кўпроқ дарс қўйиб беринг, бошқа дарсларни ўзимиз ҳам ўқиб оламиз», – деб илтимос қилишар эди, мен бундан жуда фахрланар эдим. Хуллас, Ёрмат Тожиевнинг педагоглик маҳоратига нафакат талабалар, балки битириб кетган, таълим соҳасида ишлаётган ўқитувчилар ҳам тан беришар, амалиётда қўллаш учун устоздан ўзларига керакли сабоқ олишга ҳаракат қилишарди.

Домланинг тилга бўлган муносабати бутунлай ўзгача эди. Улар чин маънода тилимизнинг асл жонкуяри, саводхонликни тўла таъминлаш курашчиси сифатида, айниқса, имло саводхонлиги борасида кўпчилик тилшунослар билан баҳслаша оладиган, муаммолар бўлса, тортинмай сўрайдиган, ўқиб-ўр-

ганадиган, лугатлар билан тинимсиз ишлайдиган, манбалар туплашга жуда эътиборли, уларни таҳлил килишга эринмайдиган, адабиётшунослик бўйича ҳам бемалол баҳслашишга тайёр устоз эдилар.

Домла жуда кўп даргоҳларда дарс берди. Не бахтки, мен устоздан олти йил сабоқ олиб, ундан кейин ҳам устозларим билан йигирма йил бирга ишлаш, дарсларини кузатиш, улардан педагогик маҳорат сирларини ўрганиш, улар каби устоз бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Менда шу касбга иштиёк уйғота олган, касб маҳоратларини эгаллашим учун имконият эшикларини очган, моҳир устозлар, меҳридарё инсонларнинг шогирди бўлганимдан фахрланиб, Аллоҳга беадад шукроналар айтаман.

Устозга қараб турмушнинг машаққатларини енгишни ўргандим, иш юзасидан, илм олиш борасида, ҳаётда ҳам устоздан беминнат маслаҳат сурашим мумкин эди. Улар ҳаётнинг ёзилмаган қонун-қоидалари ва мезонларини тарозига солиб турар эдилар. Биз уч фарзандимизни олий ўқув юртларида контракт-шартнома асосида ўқитган вақтларимизда жуда қийналганмиз, менинг ва турмуш ўртоғимнинг ўқитувчиликдан олган маошларимиз етмай қолганда моддий ҳам маънавий ёрдамларини аямаганлар. «Сира хижолат тортма, бир кун келиб, болаларинг ёнингда туриб, эл хизматида, эл ардогида бўлганда ҳаммаси унут бўлади», – деган ўғитлари сира ёдимдан чиқмайди.

Мен илмий ишим бўйича маслаҳат олгани уйларига тез-тез бориб турар эдим. Боришим билан **Опамлар** (домламнинг аёлларини шундай атар эдим) «Она қизим, менинг катта қизим келди, домлажон», – деб дарров уйга- домламнинг ишхонасига олиб кирар эдилар-да, – Домла қани, дарров ишни йиғиштиринг, овқат тайёр, – деб қайнатма шўрва олиб келарди. Жуда меҳрибон, бағри кенг, қалби дарё инсон эдилар. Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин.

Устозим тириклигидаёқ бу хислатлари билан ўзларига ҳай-

кал куйган эдилар. Ҳаётлигидаёқ шундай ҳисларни биздек шогирдларига андоза сифатида муҳрладиларки, бу одамийлик, инсонийликнинг, тирикликнинг мантикий давоми сифатда авлоддан-авлодга, замондан-замонга кўчиб, яшашдан мақсад – одамийлик моҳиятини англатиш ва унинг илдизини мустаҳкамлаб, уругини оламга сочиш ва инсонийликдан сабоқ бериш эди. Ана шундай бағри кенг, меҳридарё инсон бу менинг устозимдир.

Мен устозимни қирқ беш йилдан бери билсам-да, байрамларда ёки тадбирларда биринчи бўлиб табриклай олмаган эдим. Энди кўнгирок қиламан деб кўнгилдан ўтказиб, телефонни қўлга олсам, жиринглар ва албатта, бу домлам бўлар эди. Фақат шу сафар минг афсуски, шу сафар мен биринчи бўлиб, кўнгирок қилиб гаплашдим. Шунда домлам сир бой бермай, «Ҳа, энди домланг Умарали акани ҳам бериб қўйдик», деб жуда хафа гаплашдилар ва келинлар, малака оширишда ишлаган Саодатхон, Фаридахон ва Нулуфархонлар билан бирга, деб уйга таклиф қилдилар. Домлани кўргани Саодатхон бизни доим машинасида бирга олиб борар эди. Энди билсам, уша кунлари устоз шогирдларини кўргилари келган экан. Орадан 3-4 кун ўтиб, бомдоддан кейин негадир юрагим беҳузур бўлди ва домлам билан гаплашмоқчи бўлдим, телефонни қўлимга олсам, Гулнорадан хабар келибди. Не кўз билан очиб қарайки, «Домладан айрилиб қолдик, соат 10 да жаноза», – деб ёзилган эди. Ўзимни кўярга жой топа олмадим. Мен учун ота ўрнида бўлган инсондан айрилиб қолдим, ярам янгиланди...

Бу йил сизнинг табригингизсиз ўтган биринчи «Наврўз». Мен сизни жуда соғиняпман, Устоз!

Устознинг охираглари обод, жойлари жаннатдан, бу дунёда қилган барча яхши амаллари ўзларига ҳамроҳ бўлсин.

Ойтожси ОХУНЖОНОВА,
Педагогика фанлари номзоди, доцент